Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 123 (8.858) ◆ 1996 йил ◆ 16 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҚИШ МАВСУМИГА — ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996—97 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков олиб борди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаси бошлиғи Виктор Дороховнинг шу кунгача амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Шундан сўнг туман ҳокимлари аҳоли турар жойлари, касалхона, мактаб ва боғчаларни қишга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

— Қиш эшик қоқмоқда, — деди Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ўз сўзида. — Ҳадемай совуқ кунлар бошланади. Шундай экан ҳар бир кунимиз ғанимат. Ҳаво иссиғида бошланган ишларимизни ниҳоясига етказиб олишимиз керак. Ўтган йилдаги камчилик ва нуқсонларимиз қайтарилмаслиги керак. Иссиқ сув билан таъмин этувчи қозонхоналарни, иссиқлик қувурларини, айниқса ертўлаларни қишга тайёрлаш ишида суст-кашликка йўл қўймаслик лозим. Касалхона, мактаб ва боғчалар биринчи галда капитал таъмирланиши керак. Ҳар бир қурилма: батареялар, сув ўтказиш қувурлари, қозонхоналар диққат билан кўздан кечирилиши зарур. Вақт эса оз қолди. 1 ноябрга қадар бу ишлар якунланиши керак. Пайдо бўлган муаммолар жойидаёқ ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир.

Мажлисда вазирликлар, концернлар, идоралар, йирик саноат корхоналари, давлат акционерлик жамиятлари, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қатнашдилар.

Қўргазмалар

ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИ — ШАҲРИМИЗ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти томонидан «Тошкентнинг шаҳарсозлик эволюцияси» мавзусида хорижлик олимлар, архитекторлар иштирокида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда француз архитектори Реза Нураньяннинг «Тошкентда анъанавий шаҳарсозлик шаклларининг ривожланиши», Маргарита Филановичнинг «Тошкент микровоҳасининг қадимий тадрижи: эрамиздан аввалги 1 минг йилликдан — XV асргача», Венсан Фурнионинг «Мовароуннаҳр ва Тошкент тарихида ирригация соҳасидаги фикрлар», Абдуманноп Зияевнинг «Тошкент XIX асрнинг иккинчи ярмида», Ориф Салимовнинг «Анъанавий уй-жойлар» мавзуларидаги чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Сўнг ўз илмий ишини Тошкент шаҳарсозлиги ривожи мавзусига бағишлаган парижлик ёш, жонкуяр меъмор Реза Нураньян томонидан ташкил этилган «Тошкентнинг шаҳарсозлик эволюцияси» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қизиғи шундаки, бир йилдан бери шаҳримиз архивларида «игна билан қудуқ қазиётган» Нураньян кўргазмаси илгарилари ҳеч қачон жамланмаган ноёб лойиҳалар, тарҳлар, суратлардан иборат бўлиб, қадимий шаҳардан ҳозирги замонавий пойтахт бунёдга келишигача бўлган йўлни акс эттиради. Кўргазмадан 1890 йилги Тошкент шаҳрининг режаси, 1898 йилги Тошкент ва IX—XIII асрлардаги Бинкент харитаси, Тошкентнинг археологик ёдгорликлари, гидрографик тармоғи, физик-географик карталари, эски тарихий ноёб суратлар ва яна талай муҳим қимматга молик ҳужжатлар ўрин олган.

— Тошкент бой ўтмиш тарихига эга, ҳозирда тобора замонавийлашиб бораётган гўзал шаҳардир, — дейди биз билан суҳбатда Р. Нураньян. — Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, ўзбек олимлари ва Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ёрдамида шунча ноёб материалларни йиғиб, ўрганиб чиқишга муваффақ бўлдим. Ўйлайманки, ушбу кўргазма тарихий ва ҳозирги давр меъморий ечимлари билан танишишга ёрдам беради.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

КЛИНТОН АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

Internet ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгаяётганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан, шундай деди:

«26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустаҳкам муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурматга сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадамларини маъқуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожи ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараённи қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса, хурсандмиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўрта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч- эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур таклифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғкон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдирамиз».

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳомийлигида бунёд этилган тарихий обидаларни таъмирлашда қадимий ноёб усулларни жорий этишга қўшган улкан ҳиссалари учун Эгамберди Нуруллаев, Матлабжон Маҳмудов, Абдуворис Фаттоев ва Ражаб Юсуповга 1996 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Фаруҳ Аҳмад Хон Легҳарий 18-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

❑ Республикада 353 минг тонна — белгиланганидан 1 минг тонна кўп уруғлик пахта тайёрланди.

❑ Пахтачи ва Избоскан туманлари деҳқонлари пахта тайёрлаш давлат буюртмасини ошириб бажардилар.

❑ Ўтган куни Тошкентда Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида Марказий Осиё мамлакатлари божхона тизими вакилларининг беш кунлик семинари иш бошлади. Унда Европа божхона ташкилоти ҳамда Озарбайжон ва Мўғулистон делегациялари ҳам иштирок этмоқдалар.

❑ Кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуасининг йиғилишида йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида бу йўналишда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

❑ Кеча Ўзбекистон Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасида БМТ Европа бўйича иқтисодий комиссиясининг халқаро юк ташувчи транспорт ҳаракатини осонлаштириш масалаларига бағишланган бир ҳафталик семинари очилди.

❑ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Андижон қишлоқ хўжалиги институтида пахтачиликда «андижонча усул»ни ўрганиш ўқув маркази ташкил этилди.

❑ Бугун Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ҳамдўстлик мамлакатлари жарроҳларининг биринчи конгресси иш бошлади.

❑ 17-18 октябрь кунлари пойтахтдаги Алишер Навоий номли Академик Катта театрда «Амир Темур: буюклик ва инсонийлик» мавзуида Ўзбекистон театларининг фестивали бўлиб ўтади.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ МДҲ ижроия котиби И. Каротченя 18 октябрда Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтишини маълум қилди.

❑ Москвада амалий ташриф билан бўлган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов Россия Президенти Борис Ельцин, Бош вазир Виктор Черномирдин, Ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан музокаралар ўтказди. Уларда асосан Каспий денгизидан биргаликда фойдаланиш масалалари ҳамда Афғонистондаги вазият муҳокама этилди.

❑ Бугун Москвага амалий ташриф билан келадиган Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Москва яқинидаги Бавариха санаторийсида операцияга тайёрланаётган Борис Ельцин билан учрашади.

❑ Бугун Россия мудофаа вазирлиги қўшинларини Чеченистондан олиб чиқиб кетишнинг биринчи босқичи ниҳоясига етади.

❑ Чечен сепаратчилари қуролли бўлинмалари штабининг бошлиғи Аслан Масҳадов декабрь ойида Чеченистонда ўтказилиши мўлжалланаётган сайловларда республика раҳбари лавозимига ягона номзод қилиб кўрсатилди.

ХОРИЖДА

❑ Анқарада Амир Темур боғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда буюк Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишлаб анжуман ҳам ўтказилди.

❑ Иордания подшоси Хусайн сўнгги беш йил ичида илк бор Фаластин мухториятига келиб, Ёсир Арофат билан учрашди.

❑ Француз журналистлари ярим асрдан буён фойдаланиб келаётган солиқ соҳасидаги имтиёзлари ҳукумат томонидан бекор қилинганлигига норозилик сифатида кеча иш ташладилар.

❑ Жаҳонда велосипедлар сони 1 миллиард донага етди. Ҳозир Хитойда 450 миллионта, АҚШда 99 миллионта, Японияда эса 72 миллионта велосипед бор экан.

Газетанинг шу сонига

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛГАН МАКТАБ

Шу куни бу маросимга келганларнинг ҳаммасининг юзида қувончни кўриш мумкин эди. Янги мактабнинг рамзий калитини қўлига олган У. Юнусованинг севинчи айниқса, ўзгача эди. Бунинг боиси бор эди...

Қарийб саккиз йил муқаддам Яккасарой туманидаги 127-мактаб яқинида янги бино қуришга киришилган эди. Янги мактаб қурилишига эҳтиёж очиқ-ойдин кўриниб турарди. Чунки 1200 ўқувчига мўлжалланган мактабда 2300 бола билим оларди. Шу боисдан ҳам Бошлиқ ва Қушбеги даҳаларининг аҳолиси уларнинг фарзандлари янги синфларга қачон киришини интизорлик билан кутишарди. Бироқ иш шу ҳолга тушдики, бошланган қурилиш кейин тўхтаб қолди. Лекин нима бўлганда ҳам янги мактабни қуриб битказиш лозим эди. Буни эса фақат ташаббус кўрсатиш билангина амалга ошириш мумкин эди, холос. Яккасарой тумани ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари туфайли қурилиши «туя гўшти еган» янги мактаб биносидаги бунёдкорлик ишлари яна авж олдириб юборилди. Уни юртимизда синалган усул — ҳашар йўли билан қуришга қарор қилишди. Тумандаги корхоналар қурилиш материаллари билан ёрдам беришди, ҳашарда қўшни маҳаллаларнинг аҳолиси ҳам фаоллик кўрсатди. Хуллас, ҳеч ким бу хайрли ишдан четда қолмади, ҳеч кимга янги мактабнинг қуриб битказилиши аҳамияти ҳам тушунтирилмади. Чунки янги мактабни ҳамма орзиқиб кутаётган эди. Шундай қилиб денг бир неча ой қилинган меҳнат ўз маҳсулини берди. Биринчи қўнғироқ чалинадиган, янги 319-мактаб остонасига дастлабки қадам ранжида қиладиган кунлар ҳам келди...

Янги мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Яккасарой тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Алишер Мирқосимовлар иштирок этдилар. Шу куни мактабни бунёд этишга ёрдам берганлар шаънига жуда кўп илиқ сўзлар айтилди.

Тантанада эндиликда мактаблар болаларга фақатгина билим бериш ва уларни тарбиялаш учунгина эмас, балки ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялаш, уларни она юртга, унинг тарихи ва маданиятига муҳаббат, буюк аждодларимиз билан фахрланиш руҳида тарбиялашга ҳам даъват этилганлиги ҳақида ҳам сўз борди.

Миллий мадҳиямизнинг тантанали садолари остида Ўзбекистоннинг давлат байроғи кўтарилди. Уни фахрий меҳмон, кикбоксинг бўйича Осиё чемпиони, республика кикбоксинг федерациясининг президенти, «Биллур» спорт мактабининг директори Б. Зокиров кўтарди. Бунда ўзига хос маъно ва рамз бор эди. Чунки мактаб соғлом авлодни тарбиялашга даъват этилган.

Шундан кейин мактабни бунёд этишда фаоллик кўрсатганларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси номидан мактабнинг фаол қурувчиларига эсдалик совғалари тақдим этилди, уларга шунингдек «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонлари ҳам топширилди. 358-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ўз концертлари билан йиғилганлар қалбига қувонч бағишлашди.

Биринчи қўнғироқ янграгач ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва мураббийлар янги мактабнинг шинам синфларига кирдилар. Бундан буён бу мактаб ва синфлар кўплар учун қадрдон бўлиб қолади. Чунки Яккасарой туманидаги янги 319-ўрта умумий таълим мактаби фаолият кўрсата бошлади. Биз эса мактабнинг мураббийлар ва ўқитувчилар жамоасига ёш авлодга билим беришда омадлар тилаб қоламиз.

Азиз САИДОВ.



СУРАТЛАРДА: Яккасарой туманидаги янги 319-мактабнинг фойдаланишга топширилишидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Кеча Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Шаҳрисабздан Тошкентгача бўлган масофада ўтказилган супермарафон қатнашчилари пойтахтга етиб келдилар.

ШАҲРИСАБЗДАН — ПОЙТАХТГАЧА

Супермарафончилар 1300 чақирим йўл босиб ўтдилар

Тошкент. Амир Темур ҳиёбони. Соат 15.30. Мана, ҳиёбонга туташган Мовароуннаҳр кўчасидан юртимиз байроғини баланд кўтариб югуриб келаётган супермарафончилар қатори кўринди. Ҳа, ниҳоят ўн кун давом этган марафоннинг сўнгги чақирими ортда қолди. Спортчиларнинг Соҳибқирон ҳайкали пойига айнан ушбу кўчадан ўтиб келишларида ҳам рамзий маъно бор: улар бобокалон тўйининг жарчилари сифатида Мовароуннаҳр — икки дарё оралиғидаги кўплаб шаҳар ва кентларда бўлиб, 1300 километр масофани босиб ўтдилар.

Миллий либослардаги қизлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари пойга қанташчиларини ҳарбий оркестр садолари остида анвойи гуллар билан қаршиладилар. Спортчилар Амир Темур ҳайкали пойида тўпланишгач, супермарафон раҳбари Ашур Нормуродов маррага муваффақиятли етиб келганликлари ҳақида ташкилий қўмита аъзоларига тантанали ҳисобот берди. Улар шарафига Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Адҳам Миржалилов қизғин табрик сўзи билан спортчиларни тақдирлаш маросимини очди. Супермарафон ташкилотчилари — Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов, Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг раиси Ҳотам Абдураимов ва бошқалар пойга қатнашчиларини маррага муваффақиятли етиб келганликлари билан қутлаб, махсус совринларни топширдилар.

Амир Темур ҳайкалининг пойи анвойи гулларга тўлиб кетди. Спортчилар бутун йўл давомида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, у жойларнинг муборак тупроқларидан ҳам олиб келган эдилар. Ушбу табаррук — Соҳибқироннинг падари бузруквори Амир Тарағай қабри, Хўжаилғор ота, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд даҳмалари, Оқсарой пойидан ва бошқа жуда кўплаб муқаддас жойлардан келтирилган тупроқ Амир Темур ҳайкали пойига тўкилди. Шу ерда катта шодиёна бошланиб кетди.

Беҳзод ЭГАМОВ.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ОБУНА — 97

ХОХЛАГАН УСУЛДА РАСМИЙЛАШТИРАСИЗ

Даврий матбуот нашрларига шаҳримизнинг барча алоқа бўлимларида ва обунага ёзиш қабул пунктларида иш қизғин бормоқда. Энг асосийси фуқаролар учун муҳим бўлган обуналарнинг 1997 йилги кўрсаткичлари ва нарх-навоси аниқ қилиб, кўзга ташланадиган жойга илиб қўйилган.

Шайхонтоҳур тумани алоқа бўлимига қарашли обуна қабул қилиш пунктида бўлганимизда фикримизга асосли бўладиган далилларнинг гуноҳи бўлдик. Улар ҳар бир обуначининг бераётган саволларига жавоб қайтариб, тўлдирилиши лозим бўлган обуна варақаларини назоратдан ўтказишиб қайд этиб боришмоқда. Бўлимнинг катта инструктори Вера Мартинсон бу борада энг керакли ташкилий ишларни амалга ошириб, пул ўтказиш йўли биланми, нақд нулгами хоҳлаган усулда ёзишлари учун барча имкониятларни яратиб қўйишган.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги 124-алоқа бўлими ходимлари ҳам ҳар йилгидек «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг энг яқин ҳамкорлари саналади.

— Алоқа бўлимимизда 45 та абонент қутиси мавжуд, — дейди бўлими бошлиғи Людмила Торинова. — Унинг барчасини обуначиларимиз эгаллашган. Бу йилги обуна даврини ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча керакли жиҳозларимизни, обуна варақаларини, каталоглар тўпламини тахт қилиб қўйдик. Нашрларнинг баҳоси аниқлангандан сўнг, аста-секин обуначиларимиз бўлимимизга ташриф буюра бошлашди. Шунингдек, биз аҳолига қулай бўлсин деб, 6 нафар почтальонимиз ёрдамида обунани уйга бориб қилишни ҳам ташкил этганмиз. Улар Мария Никулина, Татьяна Сидаровнина, Людмила Цецерева, Умид Чермашова, Инна Василевская, Фарида Абдусаитовалардир. Бу ходимларимизнинг қўлида хат, газета, журнал, нафақа пуллари бўлибгина қолмай, каталогларнинг тўпламлари ва обуна варақчалари мавжуд бўлиб, шу жойнинг ўзида обуна қилиш имкониятига эгадирлар.

Гулзода МАМБЕТОВА.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР

Ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига 1997 йилга обуна давом этмоқда. Обуна нархи уйга ёки абонент қутисига етказиб берилишига қараб шундай белгиланган: уй манзилига бир йилга 1188 сўм, абонент қутисига 948 сўм.

«Оқшом»га республикамизнинг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади. Газета индекси — 64690.

Долзарб мавзуда

ПОЙТАХТ КЎРКАМЛИГИ

СИЗ БИЛАН БИЗГА БОҒЛИҚ

Сўнгги йилларда пойтахтимизнинг марказий ҳудудлари кескин ўзгарди. Кўчалар, хиёбонлар кўркига кўрк қўшилди. Айниқса Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Навоий номли Миллий боғ, Анҳор бўйи атрофлари ободонлашди. Бу жойларда сайр қилсангиз бахри дилингиз очилади. Амир Темур, Фарғона йўли, Луначарск шоҳкўчаси йўлларидан юрсангиз, уларнинг чароғон ва озодалигидан хурсанд бўласиз. Лекин бу ҳол кўпроқ марказий кўчаларда кузатилади. Маҳаллалар томон кириб боришингиз билан баъзан шундоқина йўлнинг чеккасига бетартиб тўкилган чиқинди уюмларига дуч келасиз. Улардан таралаётган ҳиддан эса кўнглингиз беҳузур бўлади. Хўш, нега бу чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмайди? Кўчалар ҳар куни супурилмаслигининг сабаби нимада?

Мутахассисларнинг эътироф этишича, бир йилда Тошкент шаҳар аҳолиси чиқарадиган қаттиқ маиший чиқиндилар 1 миллион 500 минг тоннани ташкил этар экан. Ушбу чиқиндиларни шаҳар чеккасига — белгиланган жойларга элтиб ташлаш учун 900 та машина мунтазам ҳаракатда бўлмоғи лозим. Лекин айни кунларда шаҳримиз кўчаларида 500 га етар-етмас машина «санитарлик» қиляпти, холос. Уларнинг ҳам кўплари бир кун юрса, икки кун дам олади. Боиси ушбу машиналар эскириб кетган. Унинг устига эҳтиёт қисмлар етишмайди.

Албатта, уларга ҳаммамиз—сиз ва биз ёрдам қўлимизни чўзмоғимиз даркор. Бунинг учун ҳеч биримиздан катта кўчани супуриб тозалаш талаб ҳам қилинмайди. Бурчимиз оддийгина. Ўзимизга тегишли томорқа — ҳовлини озода тутсак, эшигимиз тагидан ўтган кўчани супуриб, хазонлардан тозалаб қўйсак бўлгани. Бу одат ҳар куни такрорланиб турилса олам гулистон. Шу ишимиз билан шаҳримиз, маҳаллаларимиз ҳуснига ҳусн қўшган бўламиз.

«Чинобод» кўчасига туташ бўлган Анапа кўчасидаги Юнусобод тумани марказий футбол ўйингоҳининг орқа томони, «Чинобод» санаторийсининг девори остидаги 200 метрдан ортиқроқ узунликка чўзилган кўчанинг ярмидан кўпини ахлатхона ташкил этади. Йўловчилар учун, ҳам транспорт учун ҳам хавф туғдираётган турли юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган ушбу ахлатхонани тозалаш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Биз 2-Отчопар маҳалла аҳли бир неча бор тегишли ташкилотларга ушбу ахлатхонани йўқ қилишга ёрдам беришларини илтимос қилиб, мурожаат қилдик. Аммо талабимиз қондирилмади. Билмадик, бу ҳол яна қанча давом этаркин?»

Ҳақли талаб. Лекин барибир унда тош отишга ўрганиб қолганимиз сезилади. Ахир ўзимизга ўзимиз. хўш, ўша ахлатхона қаердан пайдо бўлди, деган саволни бериб кўрдикми? Уни йўқдан бор қилгувчиси ўзимиз эмасмизми? Минг бор чайналган гап бўлса ҳам такрорлашга мажбурмиз. Ҳали ҳам қўлимиздаги папирос қолдиғини истаган томонга улоқтиришдек беъмани одатимизни тарк этганимизча йўқ. Чўнтагимиздаги кераксиз бўлиб қолган қоғозларни ғижимлаб ёки парчалаб хоҳлаган кўчага улоқтирамиз. Баъзан эса «қўлбола» ахлатхонани ўзимиз барпо этиб, уни тартибга келтиришни мутасадди идоралардан талаб қиламиз. Агар ҳамма ўзи яшаган кўчасини қадрласа, унинг ҳақиқий хўжайини бўлса, озода бўлишини хоҳлаганда эди, кўчаларнинг аҳволи ҳозиргидан ўн чандон яхши бўларди.

Шу ўринда бизга яқин Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатларда кўчага ташланган сигарета учун 1000 доллар жарима солинишини эслатиб қўяйлик. Нима учун шаҳримизни ифлос қилаётганлар жазосиз қолмоқда?

Ҳашар деган энг яхши анъанамизни унутиб қўяётгандек кўринамиз. Ҳеч бўлмаса, яқин-яқинларгача ҳашар йўли билан қанчадан-қанча ободончилик ишларини бажарганимизни, ҳатто маҳалла учун чойхона, қироатхона, клуб, идора биноларини бунёд этганимизни бир эслаб кўрайлик. Шу даражага бориб етдикки, уйимиз йўлаги супуриқсиз қолса, онамиз тенги фаррошга ёпишадиган бўлдик. Нахотки, каталакдек йўлакни тартибли ва озода сақлаш қўлимиздан келмаса. Эрта тонгда туриб ҳовли, эшик олдини, ҳатто бутун бошли кўчани сув сепиб, супуришдек одатимиз нега биздан узоқлашиб боряпти. Нима, юмушларимиз шу қадар кўпмидики, ҳар куни ярим соатли вақтимизни супуриб-сидиришга ажратолмасак. Вақт бор. Баҳонани эса истаганча топиш мумкин. Бу гапларимиз озодагарчиликни жон-дилидан севадиган, бўш қолди дегунча қўлига супургини оладиган баъзи уй бекаларига қаттиқ тегиши мумкин.

Зинҳор — базинҳор гап улар хусусида кетаётгани йўқ. Ниятимиз, улардан ибрат олувчилар кўпайса, қолаверса, эшик тагидаги тўрт замбил ахлатни тозалаш учун ойлаб идорама-идора югуриб шикоят қилувчилар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқарсалар деймиз.

Яна бир гап, нега шаҳримизнинг хўжайини бўлолмаймиз. Нега озодагарчилик қоидаларига риоя қилмай кўча тўзитадиган кимсаларни тартибга чақирмаймиз. Ҳатто йўлда, транспортда бемалол писта чақиб бораётган одамни огоҳлантиришга журъат этмаймиз. Агар ўша киши бир марта ўзгалар томонидан тартибга чақирилса ёки қилмиши учун изза қилинса, иккинчи бор ўйлашиб қиларди, бундай номақулгарчиликни.

Шаҳримизда санитария милицияси ҳам фаолият кўрсатади. Улар шаънига ҳам бир-икки оғиз сўз айтишни жоиз топдик. Ушбу милиция хизматчилари қачон қараманг бозорларни текшириш, жамоат тартибини сақлаш юмушлари билан машғул бўлишади. Агар ушбу орган ходимлари ўз ишларига масъулият билан қараб маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда тез-тез бўлиб, у ердаги озодагарчиликлардан бохабар бўлганларида эди, балки шаҳар ва унинг теварак атроф ҳудудларидаги санитария ҳолати бундан яхшироқ бўлармиди?

Хуллас, бу гапларни айтишдан мурод шаҳримиз кўчалари ҳамиша озода ва батартиб бўлса деймиз. Уларнинг ободонгарчилиги билан фақат тегишли ташкилотларгина эмас, балки ҳаммамиз шуғулланса деймиз. Зеро, олий неъмат бўлмиш она табиатни тоза ва хушҳаво бўлиши ҳар биримизнинг соғлиғимиз гаровидир.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



«Марҳабо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қабул пунктларида кўплаб маҳоратли мутахассислар меҳнат қилишади. Улардан бири уста Рустам Алиевдир. У электр хўжалик асбобларини таъмирлашда юксак маҳоратга эга. Кўп йиллик тажрибасига таянган Рустам нафақат ҳамшаҳарларга, ҳатто вилоятдан келиб мурожаат этаётган мижозларнинг ҳам ҳожатини чиқариб, бир зумда буюртмаларини адо этишга одатланган.

СУРАТДА: моҳир уста Рустам Алиев.

Усмон Усмонов олган сурат.

1996 йил — Амир Темур йили

КЎЗГА ТЎТИЁ ҚАДАМЖОЛАР

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан уларнинг қадами етган муборак жойларни зиёрат қилиш мақсадида Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси хайрли ташаббус билан чиқди. «Маънавияти юксак халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади» мавзусидаги сайёр анжуманни ўтказиш фикрини шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда республика Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Туркистон садоси» ижодий бирлашмаси яқиндан қўллаб-қувватладилар. Сайёр анжуманни Ғиждувон шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарни айланар экансиз, ўтмишнинг беназир ёдгорликларию замонавий биноларнинг ўртасида ажиб бир уйғунлик, муштараклик бор эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

— Самарқанд шаҳрида кенг кўламда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган «Соғлом авлод учун» республика жамғармаси Самарқанд вилояти бўлимининг бош мутахассиси Нурулла Шерназаров. — Жумладан, Регистон майдонидаги йўллар қайта таъмирланди. Қўксарой майдони олдида янги Амир Темур боғи фойдаланишга топшириляпти. Бибихоним мадрасаси таъмирланяпти. Биз ҳам соғлом авлодни камол топтириш ишларига баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Чунончи, Қаттақўрғон, Булунғур, Иштихон туманларига инсонпарварлик хайрия ёрдами топширдик, Самарқанд туманида болалар учун янги касалхона қуриляпти.

Ҳадис илмининг султони ҳисобланмиш Имом ал Бухорийнинг XVI асрда бунёд этилган масжиди зиёратидан сўнг автобусимиз Бухоронинг Ғиждувон туманига йўл олди. Яссавия ва Нақшбандия тариқатларининг бузургвор маънавий отаси Шайх-уш-шуйуҳ Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди ҳисобланмиш етти пирлардан бири, оламга Хожаи Жаҳон номи билан машҳур ҳазрати Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси, ушбу табаррук зот шарафига Мирзо Улуғбек 1433 йилда бунёд этган Улуғбек мадрасаси ўлкамизнинг энг муқаддас зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади.

Бухорога сафар қатор қутлуғ саналарга тўғри келганлиги ҳам қувонарли ҳол бўлди. Хусусан, бу йил бой ўтмиш тарихига эга ва ҳамиша навқирон Бухоро 2500 йиллиги нишонланса, Ғиждувон туманининг ташкил этилганига 70 йил тўлади.

Шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилган «Маънавияти юксак халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади» мавзусидаги анжуман сермазмун ва қизиқарли бўлди. Зални тўлдириб ўтирган ғиждувонлик зиёлилар, ўқитувчилар, таълим-тарбия соҳаси мутахассислари, тарихчи олим М. Юнусхўжаеванинг Амир Темурнинг аёлларга бўлган муносабати, темурийлар сулоласидаги аёллар ҳамда юртимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги маърузаси, «Туркистон садоси» ижодий бирлашмаси раҳбари, шоира Ф. Усмонованинг темурийлар даврига оид чиқиши катта таассурот қолдирди. С. Раҳимов туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси М. Ғанихўжаева эса туманда хотин-қизлар ва оилаларнинг ижтимоий ҳаётини ёритиш, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ҳақида сўзлаб берди.

Ҳаётимизнинг ҳар соҳасида ислоҳотлар ўтказилаётган, ислоҳотлар ҳаётимизнинг ҳар соҳасига кириб бораётган ушбу даврда ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ўрганиш, ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ёритиш, ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ҳимоя қилиш, ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини мадҳ этиш, ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ... ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ... ислоҳотлар ва ислоҳотчилар ҳаётини ...

Одобнома

«Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».

Абдулла АВЛОНИЙ.

Мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, маънавият жамиятимиз ҳаётининг ҳар бир жабҳасида устувор йўналиш бўлиб қолди. «Одобнома» саҳифамизнинг навбатдаги сонида ҳам маънавий меросимиз ҳақида сўз юритилади.

Маънавият ҳақида суҳбатлар

ИНСОНИЙЛИКНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

Қадимий манбаларда айтилишича, инсон ўз моҳиятига кўра икки нарсадан вужудга келган, булар: тана ва руҳ. Тана тарбияси моддий неъматлар, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой кабиларга таянса, руҳ тарбияси ахлоқ-одоб, ақл-идрок, қисқача айтганда маънавият билан ўз мавжудлигини сақлаб туради. Фақат ана шу иккала тарбияни бирдай олиб борган одамгина камолотга эришади. Шундай экан, маънавиятсиз инсон инсон бўлмай қолади. Ана шу мавзудаги суҳбатимиз Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг директори профессор Саидбек Ҳасанов билан бўлди.

— Халқимизнинг маънавий бойлиги асрлар оша шаклланган, тобора сайқал топиб боргани маълум. Айтинг-чи, бундай меросимизнинг ибтидоси қайси манбаларга бориб тақалади?

— Суҳбатимиз маънавият хусусида бўлар экан, аввало бу тушунчанинг луғавий маъносини келтириб ўтсак. «Маънавият» сўзи арабча сўз бўлиб, ақлий, руҳий ва ахлоқий қадрият маъносини англатади. Жамиятнинг маънавий қиёфаси энг аввало фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг равнақи билан белгиланиб келган. Шунинг учун биз Хоразмийни эслаганимизда унинг алгебра фани, Ибн Сино ҳақида гап борганда табобат илми, Амир Темур бобомизнинг буюк салтанат ва давлат асосчиси ва бунёдкор шахс бўлганлиги, Улуғбекка навбат келганда унинг астрономияга қўшган улкан ҳиссаси, Беҳзодни эса тасвирий санъатнинг энг улуғ сиймоси сифатида эъзозлаймиз. Шунинг учун маънавиятимизнинг илк куртаклари ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврлардаёқ вужудга келган. Бу куртаклар қадимги миф ва афсоналар, шунингдек қадимги адабий ёдгорликларнинг ижтимоий тарихий илдизларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Чунончи, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғати турк» асари орқали етиб келган энг қадимги қўшиқ ва лирик асарларда ҳам туркий халқларнинг тили, қаҳрамонлик қўшиқлари, ахлоқий-таълимий қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Хусусан мутафаккир туркий халқларнинг маданий мероси, маънавий қадриятларини чуқур ўрганар экан, уларнинг жамиятдаги қиёфасини шундай сўзлар орқали баён этади: «Худо давлат қуёши»ни турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантиради. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди. Уларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл — уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар».

Маънавиятимиз тарихида XI асрнинг буюк шоири, истеъдодли олими ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билик» номли қомусий асари диққатга сазовордир. Бу асар ўз навбатида панд-насиҳат, таълим-тарбия, инсоннинг ахлоқий қиёфасини ёритувчи машҳур адабий ёдгорлик сифатида ҳам катта аҳамиятга моликдир. Ўзбек адабиёти тарихида Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳам маданият ва адабиётимизда алоҳида ўрин тутади. Адиб ўз асарида ахлоқий-таълимий маърифатпарварлик, илм-фан, тил масалаларини муаллиф номидан юритади ва ғоявий мазмунини шакл бирлиги, асар конфликти, сюжетдаги янгиликлар билан мутаносибликда баён этади. Аҳмад Юғнакийнинг асосий хизмати шунда кўринадики, у инсоннинг маънавий қиёфасини илм-фан, ахлоқий-маърифий тарбия орқали шакллантиришга кўпроқ аҳамиятни қаратади.

Халқимизнинг маънавий бойлигининг ривож топиб шаклланишида тасаввуф адабиётининг йирик намояндаларининг бизга қолдирган мероси ҳам алоҳида ўрин тутади. Шулар жумласига йирик мутасаввуф олим ва шоир Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарини айтиб ўтиш жоиздир. Шулар сирасига пайғамбарларнинг ибратомуз тарихи баён этилган Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Суфи Оллоёр шеърлари, Саййид Қосимийнинг диний-ахлоқий йўналишдаги достонлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Рисолаи воҳидия» ва Ислом дини асосларини баён қилишга бағишланган «Мубаййин» асарларининг нашрларини ҳам киритиш мумкин. Мазкур обидаларда диний-ахлоқий масалалар тафсилоти чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан баён қилинган.

— Ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, унда маънавиятнинг гуллаб-яшнаган палласи соҳибқирон Амир Темур даврига тўғри келиши маълум бўлади. Шундай экан, агар ана шу буюк зот бўлмаганида маънавиятимиз ривожига салмоқли улуш қўшган Ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Беҳзод, Хондамир, Мирхонд кабилар ҳам дунёга келмаган бўларди дейишимизга асос бор.

— Дарҳақиқат, Амир Темур салтанати барпо этилгач, ватанимизда моддий ва маънавий ҳаёт янги тараққиёт поғонасига кўтарилди. Илм-фан ривожланди, меъморлик, муҳандислик, наққошлик, санъат, хаттотлик, мусиқа ва бошқа соҳалар тараққий топди. Айниқса адабиётнинг маънавиятимиз тараққиётидаги ўрни чўққига чиқди. Алишер Навоийнинг баракали ижоди ва жўшқин фаолияти ана шу давр маҳсули сифатида дунёга келди. Шоир инсонийлик, тинчликсевар, маърифатпарварлик ғояларини катта санъаткорлик билан тараннум этган буюк ижодкор, туркий халқлар тил ва адабиётини жаҳон миқёсига чиқара олган даҳо адибдир. Унинг бизга қолдирган улкан ва бой мероси умуминсоний маданиятнинг хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Ларда порлоқ ҳаёт билан боғлиқ бўлган олижаноб фикрлар олға сурилган. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳанг ички мутаносибликка эгадир.

Унинг мероси ҳаётга муҳаббат, инсон қадр-қимматини улуғлаш, халқ ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби Инсонпарварлик ниятлари билан суғорилган. Хусусан шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Буюк Навоийнинг бу доҳиёна сўзлари инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамоҳангдир.

— Маълумки, маънавият жуда кенг тушунча. Ахлоқ-одоб эса унинг бир қисми холос. Шундай экан, бу омил маънавиятда қай даражада аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?

— Ўзбек адабиёти тарихида Муҳаммад Солиҳ, Комрон Мирзо, Хожа, Боборахим Машраб, Огаҳий, Нишотий, Сайқалий, Ҳувайдо, Роқим, Нодира, Увайсиий, Маҳмур, Гулханий, Комил, Аваз Ўтар ўғли, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа юзлаб машҳур адиб ва шоирлар ўтганларки, уларнинг асарларида инсоннинг ахлоқий жиҳатлари, хусусан дўстлик, биродарлик, мардлик, ватанга ва халққа бўлган самимий садоқат оҳанглари улуғланади, энг яхши олижаноб ҳикоя, шеър, достон ва турли жанрларда тараннум қилинган. Зеро ахлоқ етук инсон қиёфасини белгиловчи муҳим омилдир. Шунинг учун ахлоқ-одоб маънавий бойлигимизнинг асосий қисмини ташкил этади. У ижтимоий онгимизнинг жамиятга, борлиққа, қолаверса инсоннинг бир-бирига бўлган муносабатларида инсонийлик манфаатларини ўзида мужассамлантирган қоидалардан иборат. Ахлоқ узоқ тарихий жараён давомида шаклланиб келган. Истиқлол мафкураси халқимизга ўз эътиқодини қайтарди ва шу боис миллий қадриятимизнинг тикланиши учун кенг йўл очилди. Демак, ҳар бир инсон ўз дилидан бузуқ хулқлар ва ёмон феъл-атворларни чиқариб, уни яхши ва мақтовга сазовор фазилатлар билан зийнатламоғи вожибдир. Маънавияти бой бўлмаган халқнинг келажаги буюк бўлмаслиги ҳаммага аёндир. Шу боис ҳар қандай иқтисодий қийинчилик маънавияти бой, руҳан пок ва имон-эътиқоди бут бўлган халқимиз учун тўсиқ бўла олмайди. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир фуқаро юксак маънавиятли, илму иқтидорли, маърифатли, ҳар томонлама комил инсон сифатида шаклланиб, ҳур ватанимизнинг истиқлолини, унинг миллий ғурурини, бой маънавий қадриятларини мустаҳкамлайдиган, эъзозлайдиган ватанпарвар авлод бўлиб тарбияланиши лозим.

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Олтин меросимиз

АДОЛАТГА ДАЪВАТКОР АСАР

Машҳаддан ўттиз чақирим жанубишарқда Хуросоннинг энг кўҳна илм-фан ўчоқларидан бири Тус шаҳри жойлашган. Мозийда ана шу маънавият манзилгоҳидан жаҳонга донғи кетган достоннавису ғазалсаро шоирлар, риёзиётшуносу жуғрофиюнлар, ҳикматдону фалакиёт билими нуқтадонлари, сиёсатшуносу ҳадисгўйлар етишиб чиққан. Туслик ана шундай донишмандлардан бири Абу Али Ҳасан ибн али Исҳоқ Низомулмулкдир.

Бўлажак сиёсатшунос олим ва давлат арбоби Низомулмулк 1017 йили амалдор хонадонида таваллуд топган. у ўз давридаги тил, адабиёт, фалсафа, риёзиёт, нужум, ахлоқ, ҳуқуқшунослик, мантиқ ва бошқа фанларни пухта эгаллайди. Низомулмулк Эрон шоҳларидан Алпарслон ва кейинчалик Маликшоҳ Салжуқ салтанатида ўттиз йилга яқин бош вазир бўлиб ишлайди. Унинг замонида салжуқийлар империясига қарашли барча шаҳарларда янги мадрасалар очилади, мактаблар, кутубхона, кўплаб табобатхоналар қурилади, илм-фан аҳли, шоиру адиблар давлат ҳимоясига олинади, уларга махсус маош тайинланади, ижодхоналар қуриб берилади; машҳур Исфаҳон расадхонаси унинг маблағи ҳисобига қурилади. Унда таниқли олим ва шоир Умар Ҳайём раҳбарлигида 25 донишманд кузатишлар олиб боради. 1079 йили ана шу илмий даргоҳда дунёда энг аниқ ва мукаммал тақвим яратилади. Ушбу тақвим Ғарбий Европада 1582 йили Папа Григорий XIII томонидан жорий қилинган.

Аммо бу борада салжуқийлар саройида иғво ҳамда фитналар авж олади: мутаассиб руҳонийлар расадхонага ўт қўйиб, бир неча ходимни ўлдирадилар. Маликшоҳнинг маҳрами Тожулмулк ҳамда хотини Туркон хотун фитнаси билан Низомулмулк ҳибсга олинади. Олим 1092 йили зиндондан озод қилинган бўлса-да Ҳаж сафарида Бағдод яқинида жосуслар томонидан ўлдирилади. Шогирдлари жасадини Исфаҳонга келтириб дафн этадилар.

Давлат арбоби ва маърифатпарвар адиб Низомулмулк XI аср Эрону Хуросон илмий маданий ва сиёсий ҳаётида жуда катта мавқега эга эди. Унинг хайрихоҳлиги, моддий кўмагида ўнлаб шоир ва адиблар балоғат нуқтасига етдилар. Ўзи ҳам расадхонада илмий кузатишлар олиб бориб, кўплаб рисолалар ёзган, аммо бизга қадар унинг фақат «Сиёсатнома» асари етиб келган, холос. Бу асар Шарқ сиёсатшунослигида давлатни бошқаришга доир илк махсус китобдир. Унда шоҳ, қози, вазир, лашкарбоши, элчи, хазинабон, сарой амалдорлари, бош қўмондон, лашкарбошилар, девонбеги ҳамда бошқаларнинг вазифалари, ҳунармандлар, савдогарлар, кенг халқ оммаси билан муносабат, қўшин ва қурол-яроғни сақлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, фуқаронинг арз-додини эшитиш, солиқларни тартибга солиш, унинг ундирилишини назорат қилиш, мамлакатнинг бутунлиги, давлатдорларнинг адлу инсофи, ҳиммат, эҳсон, тўғрилик, хайрихоҳлик, маърифатпарварлик, инсондўстлик, раиятпарварлик ҳақида эллик фаслда адолатпеша сиёсатдон сифатида фикр юритади. Ҳатто ёзувчи айрим ҳикоятлар орқали амалдорларни хусусий ишларда, қуллари, хизматкорларини жазолашда ҳам қонунга, юксак ахлоқ меъёрига риоя қилишни уқтирган, жамият тараққиётида амалдорларнинг ҳалоллигию поклигининг муҳим омиллигини қайд этган. Бунда у 30 йиллик вазирлик фаолияти давомида орттирган тажрибасига суянади, ҳар бир мулоҳазасининг исботи учун Доро, Искандар, Баҳром Гўр, Ануширвони Одил, Исмоил Сомоний сингари ўтмиш шоҳлар, халифалар, вазирлар, давлат арбоблари фаолиятидан қизиқарли, ибратомуз ҳикоялар келтиради. Низомулмулкнинг фикрича, давлат бошлиғи донишманд, тадбиркор, маърифатли бўлиши, юртни олимлар кенгаши, маслаҳати билан, қонун асосида, ўтмиш давлатдорлигининг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бошқариш зарур: шоҳу қозининг ҳукми одил бўлмоғи лозим, очкўз, қўли эгри киши хазинабонликка яқинлаштирилмаслиги зарур.

«Сиёсатнома»да салжуқийлар салтанатдорлиги, Шарқда турли даврларда юз берган халқ ғалаёнию қўзғолонлари ҳақида қимматли маълумот бор. У XI аср Эрону Хуросон халқларининг тарихини, турмуш тарзини, форсий тилдаги наср тарихини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Зероки, Низомулмулк ўз сиёсий, ижтимоий, ахлоқий, фалсафий қарашларини нуқтадон ёзувчи сифатида ғоятда нафис, турли-туман бадиий-тасвирий воситалар орқали ифодалаган, ибрат тариқасида келтирилган ҳикоятлар мумтоз ва жозибдир. Ҳикоятлардан олдин ёки сўнг Ҳасан Басрий, Софон Сурий, Фузайл, Абу Али Даққоқ, Абу Али Илёс, Луқмон, Ибни Аммор, Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий сингари донишмандларнинг ҳикматларидан келтиради. Масалан, «Ануширвон ва 90 яшар боғбон», «Хусрав ва Созанда», «Баҳром Чўбина ва Парвиз» ҳикоятларида ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, чин эътиқод, вафо ҳамда садоқат, баний одамиға яхшилик қилиш, рост гапнинг фойдаси тарғиб этилади. Шуниси аҳамиятлики, «Сиёсатнома»да эслатилган ювлаб тарихий шахслар, жой номлари, атамалар, дин, санъат, тарих, мусиқа, ахлоқ, ҳикмат, ҳадис, тасаввуф, фалсафа, табиий фаннинг барча соҳалари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихию жўғрофияси, маданиятию мусиқаси, ақидасию ахлоқини ўрганишга кўмаклашади. Уларнинг шарҳи ва изоҳининг ўзи катта бир рисола бўлади. Ўша китоб ўтмишда араб, инглиз, немис, француз тилига таржима қилиниб, асли билан чоп этилган. 1949 йили уни ёзувчи ва олим Б. Заходер рус тилига мукаммал изоҳлар билан тўла таржима қилган. «Сиёсатнома»дан баъзи ҳикоятларни академик Бўрибой Аҳмедов ўзбек тилига ўгириб, «Аждодлар ўгити» тўпламига киритган.

«Сиёсатнома» Шарқ халқлари насрида хусусан, кичик ҳикоя жанрида анъана ва ўзига хослик масаласини ўрганишда биринчи манба ҳисобланади. Зероки, китобда учрайдиган Ануширвони Одил, Хусрав Парвиз, Барбод, Баҳромн Чўбина, Сўлтон Маҳмуд ва Қози, Султон Маҳмуд ва Кампир, Исмоил Сомоний ва амалдорлари хусусидаги ўнлаб ҳикоялар кейинги асрларда яратилган турли асарларда учрайди. Илму урфон ҳомийси, нужум аҳли пешвоси адиб, Шарқ давлатшунослигининг асосчиси Низомулмулкнинг фаолияти ва «Сиёсатнома» асари фан тарихида, хусусан ҳуқуқшунослигу ахлоқшунослик тарихида энг ёрқин саҳифалар бўлиб қолаверади.

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, пурҳикмат доно отахонлар маслаҳатига таяниб иш кўрган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Рашид Галиев олган сурат.

ПУРМАЪНО МУЛОҚОТ

Анушервон Бузургмеҳрдан сўради:

— Бахтли одам ким?

— Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрни тўғрилик билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан, — деди у.

Яна сўради:

— Номуносиб дўстдан қандай қутулса бўлади?

— Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан.

Яна сўради:

— Покиза инсонлардан қандай узр сўралади?

— Ҳожатини раво қилиш билан.

Яна сўради:

— Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?

— Мастликда.

Яна сўради:

— Кўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?

— Вафодор хотин ва қобил фарзандлар.

Яна сўради:

— Жондан ҳам ширин нарса нима?

— Беғараз дўст суҳбати.

Яна сўради:

— Аччиқ бўлса-да ўта ширин нима?

— Кучли ғазабни ичга диган либос қайси?

ютиш.

— Вафодорлик.

* * *

Буқрот Ҳакимдан сўрадилар:

— Оловдан ҳам куйдирувчироқ нарса нима?

— Ғазаб, — деди у.

Яна сўрадилар:

— Ҳамма нарсадан юқори нарса нима?

— Инсондаги ҳиммат.

Яна сўрадилар:

— Ўлдирадиган шароб қайси?

— Шаҳват.

Яна сўрадилар:

— Ҳеч қачон вайрон бўлмайдиган бино қайси?

— Адолат биноси.

Яна сўрадилар:

— Охири аччиқ бўладиган ширинлик нима?

— Шошқалоқлик.

Яна сўрадилар:

— Давоси йўқ касал қайси?

— Нодонлик.

Яна сўрадилар:

— Эркагу хотинга яраша-

— Вафодорлик.

* * *

Шоҳ Хусравдан сўрашибди:

— Ўғилларингдан қайси бирини кўпроқ севасан?

— Тартиб-интизомга риоя қиладиган, ор-номусини кўз қорачиғидай сақлайдиган, жамиятда олий рутбани ишғол этиш учун ҳамиша жон куйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман, — дебди у.

* * *

Шоҳ Шоҳпурдан сўрашибди:

— Ҳар қандай шаҳарнинг чиройини очиб юборадиган нарса нима?

Шоҳ дебди:

— Ҳар қандай шаҳарнинг чиройини очиб юборадиган нарса бешта: фотиҳ шоҳ, одил қози, тўкин-сочин бозор, ҳозиқ табиб, сув тўла дарё.

* * *

— Қанақа одамни энг кучли ҳисоблаш мумкин, — деб сўрашибди бир донишманддан.

— Нафсини тия оладиган, эгри йўлдан ҳазар қиладиган одамни, — деб жавоб берибди донишманд.

Ибратли ривоятлар

КЎЗНИНГ ОҚУ ҚАРОСИ

Ривоятларга қараганда, пайғамбар алайҳиссалом даврида бир мушфиқ она ўтган экан. Унинг эри вафот этиб, ундан бир ўғил қолган экан. Онаизор ўз фарзандини не-не машаққатлар билан оч-яланғочликка дучор бўлиб, турмуш қурмай, яккаю ягона ўғлини ўзи тарбиялайди. Ўғил етимликда ўсиб улғайиб катта бўлади. Жуда топармон-тутармонлиги сабаб, эл-юрт орасида обрўйи ошади. Лекин давлатмандлик йўлига кириб май ичишга хуруж қилади. Онасининг чеккан машаққатларини унутади, оғир ўтган кунларини рад этиб, яна муккаси билан ичкиликка берилади. Тез кунда бор давлатидан ажралиб, асл ночорлик ҳолига тушади. Сўнг онаизорни «Ичкиликка пул топиб бер» деб ҳақоратлашгача боради. Ҳатто уриб жазолайди ҳам. Онаизор йиғлаб-йиғлаб пайғамбар ҳузурига боради. Унга ўз фарзандининг қилаётган «муруввати»ни зорланиб айтади. Пайғамбар алайҳиссалом онанинг ниҳоятда азобланганини кўриб:

— Эй онаизор, ўғлингизнинг бу ишларини кечиринг, — дейди. Лекин онаизор, «Йўқ кечирмайман» — дейди. Шунда пайғамбар алайҳиссалом ўз фаришталарини юборib, ўғилни топтириб келади. Яна онадан ўғлининг қилган зулмини кечиришни сўрайди. Онаизор: «Йўқ, кечирмайман», — дейди. Пайғамбар алайҳиссалом фаришталарига буйруқ қилади:

— Эй малоикалар, машрикдаги бутун халойиқни йиғинглар, катта майдонда олов ёқио болани ёқинглар. Шу пайт онаизор хўнграб йиғлаб, сочларини юлиб, пайғамбаримизнинг оёқларига ётиб, тупроқ ўпиб, фарзандининг қилган азобукубатларини унутади.

— Эй ҳазрати олий, ўғлимни ўтда ёндирманглар, у кўзимнинг оқу қароси эди, — деб кечиришни илтимос қилади ва ўғлини ўлимдан сақлаб қолади.

Азиз фарзандларим, мана кичкина бир ривоят мазмунида айтилгандек онаизорга ҳурматсизлик, нодонлик, мол-мулкка ҳирс қўйиб, ота-онани мутлақо унутиб юборишлик каби иллатлар оз бўлса-да учраб туради. Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериб, ота-она ҳурматига сазовор бўлайлик. Сиз ва биз дунёнинг лаззатини тинч оилаларда ота-оналар билан баҳам кўрайлик.

Абдуғаффор ҚЎЗИЕВ,
ўқитувчи.



Миллий кийимларимиз ҳаммага ҳам ярашади.

Равиль Альбеков олган сурат.

Донолар бисотидан

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Дўстликни этиб аён эй, дўст.
Дўстинг бирла ягон, эй дўст
Бир-бирига фидо қилиб жонни.
Дўст бўлгуси, меҳрибон, эй дўст.
Бир-биридан агар тилар бориб.

Дўст қилмас дориғ жон, эй дўст...
Дўст бўлгон киши керак бўлмоқ
Дўст ила дилу забон, эй дўст.
Сўфи ОЛЛОЁР.

Бир-бирин дўстлар гар гоҳ-гоҳ
Кўрсалар дўстлик бўлур ғолиб.
Шавқдин ихтилот бўлиб матлуб.
Васл учун орзу бўлур толиб.
Алишер НАВОИЙ.

Ҳақиқий дўстнинг дўстлиги ғамли кунларда билинади.
ЮСУФИЙ.

Дўстларга гулфурушлик қилиб гул сотаман
Душманларга эса тикон санчаман.
МУНТАЗИР.

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.
Носир ҲИСРАВ.

Халқимга бир нафим тегмаган кунни
Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун
Абу Абдуллоҳ РУДАКИЙ.

Икки дўст тураркан елкама-елка
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.
Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

Умрим ҳисобига кўша олмайман.
САЛМОН.

Дўстлар, иноқликни қилсангиз, одат.
Тез-тез дийдор кўриб ўзни айланг шод.
Умар ҲАЙЁМ.

Ким агар дўстлар билан яқдил бўлур.
Барча мақсуди анинг ҳосил бўлур.
Фаридуддин АТТОР.

Бу бўстонда дўстлар этмаса кўмак
Насиб бўлмас мақсад гулини термак.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Яқин бўлса кўнгил, узоқ ер яқин.
Кўнгилдур яқинлик вафосига ин.
Бўлар Шарқ билан Ғарб йўли бир қадам,
Вафо-ла ўталса яқинлик ҳакин
Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Минг киши дўстинг бўлса, кўп дема,
Бир киши душман эрса кам дема.
Аҳмад ЮГНАКИЙ.

Дўстларга меҳрибону, очиқ кўнгил, саҳий бўл,
Юрма бахиллик сари, будир зарарли бир йўл.
Дўстларга доим айла, эҳсону лутфу бахшиш.
Қарзинг оғирлиги-ла, берма уларга ташвиш.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Дўстлик рамзи — дилкаш ва елкадош бўлмоқ.
Унинг уч шарти бор: биринчиси — дўстни авайламоқ, иккинчиси — уни зиён-заҳматдан сақламоқ, учинчиси — яхши-ёмон кунда ҳамдам бўлмоқ.
«ХИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ»ДАН.
Тўпловчи Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Бирни кўриб фикр қил...

КЎНГИЛ СИНМАСИН

Одатдаги кунларнинг бирида ишдан қайтаётгандим. Трамвайда кета туриб иккита, чамаси 16-17 ёшлар қизнинг суҳбати диққатимни тортди.

— Дилноз, қаламлар қўйибсанми. Оёғингга қара. Қаламга бало борми?

— Кўйлагинг мунча чиройли!

— Сочларингни қаерда кестирдинг? Ўша сартарошхонага мен ҳам борардим.

— Ҳозир тушасанми, йўғ-е, кейингисида тушақол, бирга тушардик?

— Байрамга худди шунақа кўйлак олгин.

— Сенинг «готовий»ларинг бунинг олдида ҳолва-ку.

Бу суҳбатнинг орасида ҳиринг-ҳиринг кулиб қўйишар, кимнидир масхара қилишар эди. Орқага қарадим. У ерда 4-5 та ўғил болалар ва иккита сумка кўтарган 25-26 ёшлардаги аёл турарди. Аёлнинг бозордан келаётгани аниқ. Иши кўплигиданми, ўзига қарай олмаган. Кийими ҳам одмигина.

Бу гаплар ўзига қарата айтилаётганини сезса ҳам аёл ҳеч нима демади. Эҳтимол, бу қизларга жавоб қайтариб кайфиятимни баттар бузаман, деб ўйлагандир. Ахир бошида минг бир ташвиш экани шундоқ юзидан маълум эди-да. Энг қизиқ томони шундаки, трамвайдаги 50-60 та одамдан биронтаси қизларга, сал секинроқ гаплашинглар, қабилида ҳам сўз айтишмасди. Ҳамма уларни тинчгина тинглашарди. Аёл навбатдаги бекатда тушиб қолди. Қизлар эса бемаъни суҳбатларини бошқа мавзуда давом эттирдилар. Бу орада мен ҳам манзилимга келдим. Қизларга секингина танбеҳ берган бўлдиму, тушиб кетдим. Негадир ўша кеч трамвайдаги ҳодисани ҳеч хаёлимдан чиқаролмадим.

Қизларимиз орасида учраб турадиган бунақа хунук ҳолатни ўзимга ҳеч сингдира олмасдим. Қизиқ, бировнинг устидан кулаётган бу қизлар, турмуш дейиладиган кейинги ҳаёти давомида ўзини ҳам неча ташвишлар кутаётганини билишармикин. Кимнингдир кўнглини оғритиб, ўзи хурсанд бўлганини яхши иш дермиканлар?!.

Фарида ТОЖИБОЕВА

Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади

«МАҲАЛЛАЧИ»НИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Қуёш чарақлаб турса-да, лекин ҳарорати беозор. Чунки табиатда ҳозир мезон ойи ҳукмронлик қилмоқда. Яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг чанг-ғуборлар босилган, ерда яна майсалар қайта кўклаяпти. Ҳаво мусаффо. Яшил майдонда мириқиб тўп суриш учун бундан яхши фурсат бўлмаса керак. Тошкент қишлоқ хўжалиги коллежининг стадионида футбол мусобақаси қизғин бормоқда. Ушбу ўқув юрти ва ўйингоҳ шаҳар четида, Ҳалқа йўлининг бўйида жойлашган бўлиб, бу стадион ҳозир маҳалла футбол жамоалари ўртасида бўлаётган мусобақанинг ҳам бош майдонига айланган. Майдонда — Акмал Икромов туманидаги «Маҳаллачи» ва Сергели туманидан келган «Кўйлиқ» жамоалари тўп сурмоқдалар. «Катта Қаъни» маҳалласининг оқсоқоли Қобил Қодировнинг беллашувга етиб келиши «Маҳаллачи» футболчиларини руҳлантириб юборди, кўп ўтмай навбатдаги тўп рақиблар дарвозаси тўрига бориб тушди.

Қобил ака футболчиларга далда бериш билан бирга гўёки ўйинни шарҳлаб бораётир. Ҳамма ўйинчиларни номма-ном билади. Ҳар бирининг ўйин услубларини алоҳида айтиб ўтади. Агар имкони бўлса, ўзининг ҳам майдонга тушгудек тоби бор шу топда.

— Ҳа, азаматлар, бўш келманглар! — дейди у. — Ҳой еттинчи рақамли ўғлим, яша, бўш келма, Гарринча ҳам еттинчи рақамда ўйнаган!

Маҳалла футболи ажойибда! Ўйин қоидалари худди «катта футбол»дагидек, лекин жамоа ҳам, томошабинлар ҳам ўз маҳалладошларингиз бўлгач, янада яйраб, мириқиб тўп сурасиз. Бир ёқда ҳазил-мутойиба, «ашаддий» ишқибозларнинг мадади... Майдон четида ўйинга қўшилишга шайланиб, ҳатто талашиб-тортишиб турган «заҳира»дагиларнинг сони ҳам талайгина.

— Ёшлик чоғимизда биз ҳам тўпланиб, маҳаллама-маҳалла тўп тепардик, — дейди Қобил ака. — Голлар ҳисоби 20-30 тага етса ҳам ўйин тўхтамасди. Футболга қизиқиш шунчалик кучли эди-да. «Дарвоза» иккита ғиштдан иборат, тўпимиз эса йиртилиб, ямалаверганидан бутун жойи қолмаганди. Жуда моҳир тўпурарларимиз, ҳужумчиларимиз бор эди. Афсуски, ўша пайтларда яхши

футболчиларга эътибор кам эди. Ҳаммаси аста-секин тирикчилик йўлига ўтиб, тўп тепишга ҳам фурсат топилмай қолди. Мана, ҳозир Президентимиз Ислом Каримов спорт, айниқса, футболни ривожлантириш учун катта ғамхўрлик кўрсатяптилар. Энди имкониятлар кенгаймоқда, яхши машқ қилинса, маҳалла йигитларидан ҳам кўп яхши натижаларни кутсак бўлади.

Энди «Маҳаллачи» жамоасининг қисқача тарихи ҳақида икки оғиз: юртимизда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги машҳур қарор чиққанидан сўнг «Катта Қаъни» маҳалласи оқсоқоли Қобил аканинг ҳам «ҳаловати» бузилди. Дастлаб маҳаллада тузилган «Шодлик» жамоаси қисқа вақт ичида шаҳар ва республика биринчиликларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Маҳалла футбол жамоасининг мавқеини мустаҳкамлаш, ўйинчиларни спорт кийимлари, тўп билан таъминлаш учун Қобил Қодиров яна кўп саъй-ҳаракатлар қилди. Ниҳоят, бир неча ой бурун маҳалла футбол жамоаси республикада биринчи бўлиб, Ўзбекистон футбол федерациясида расмий рўйхатдан ўтиб, шу муносабат билан унга «Маҳаллачи» деган янги ном берилди. Ҳозир маҳаллада футбол жамоасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус очилган «Футбол фирмаси» ҳам ишлаб турибди. Жамоада турли касб эгалари қатнашдилар. Уларнинг ичида ўқитувчи, шифокор, қурувчи, ҳайдовчи, савдо ва милиция ходимлари ҳам бор. Жамоа сардори Азиз Ҳидоятов 2-трамвай депосида хайдовчи бўлиб ишлайди.

— Туманимиздаги энг яхши стадион — ҳозирча мана шу, — дейди Азиз. — Маҳалладан бироз олислигига қарамай, кун-кунора шу ерда машқ қилиб, футбол ўйнаймиз. Мана, бугун ўтказилаётган маҳаллалараро биринчиликни ўз ташаббусимиз, имкониятларимиз билан ташкил этдик. Биласизми, бу қизиқиш ҳам катта фидойиликда. Кўриб турганингиздек, жамоамиз аъзолари барча хизмат ва юмушлардан вақт ортириб, тўлиқ таркибда ҳатто «заҳира» билан айтилган вақтда жам бўлишди. Йигитларимизда ишонч баланд. «Маҳаллачи»нинг энг яхши тўпурарлари Фазлиддин Ғофуров ва Саттор Акромовларнинг савияси, маҳорати олий лига футболчиларинкидан қолишмайди. «Бирлик» ва қўйлиқликларга ҳам раҳмат, доимо мусобақаларда қатнашиб келяптилар.

— Яқинда маҳаллада ўз стадионимиз ҳам бўлади, — дейди Қобил Қодиров. — 203-мактаб стадионини маҳалла кенгашининг ёрдами билан кенгайтириб, шу жойда доимий машғулотлар ўтказишни йўлга қўймоқчимиз. «Маҳаллачи»нинг Республика футбол федерациясида рўйхатдан ўтганлиги катта ишнинг бошланишидир. Жамоага спорт формаси олиш, маҳалла «Футбол фирмаси» ишини кенг йўлга қўйиш, турли мусобақаларда қатнашишни ташкил этиш, — хуллас, режаларимиз улкан, — дейди оқсоқол.

Беҳзод ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Катта Қаъни» маҳалласининг «Маҳаллачи» футбол жамоаси аъзолари.

Засим Соколов олган суратлар.

Нуқтаи назар

СЎЗ ВА ЭҲТИРОС

Футбол — ишқибозлар умрининг ажралмас бир қисми. Болаликда, қаерда бўлмайлик, футбол бериладиган куни «зангори экран»нинг рўпарасига етиб келар эдик. Айниқса, футболнинг Ахбор Имомхўжаев шарҳлайдиган қисми бошқача таъсир этарди.

У кишининг:

— Ассалому алайкум, футбол мухлислари! — деган овозининг ўзиёқ юракларга титроқ солиб, кўнгилларга ҳузур бахш этарди.

Футбол ўйинига берилган шарҳ — мақолага қўйилган зўр сарлавҳа, сурат тагига ёзилган яхши тагсўздир. Мустақилликнинг учинчи йилида мамлакатимиз терма командаси Японияда ўтказилган Осиё ўйинларининг чемпиони бўлди. Юртимиз футболининг довруғи оламга ёйилди. «Нефтчи» командаси Осиё чемпионлари кубогида муваффақиятли иштирок этди. Буларнинг бариси юракларга чексиз ғурур бахш этади.

Лекин ўйинларга берилаётган шарҳлар-чи? Улар кўнгилдагидекми?

Япониядаги Осиё ўйинларининг финал баҳси. Ўзбекистон — Хитой. Ниҳоятда ҳаяжонли учрашув. Экранга қадалган нигоҳларимиз ўйинчиларимизнинг майдонга чиқиб келишларига тушганда, юраклар ғурурга тўлди. Худди шу пайт гап бошлаган шарҳловчининг овози бошимдан совуқ сув қуйгандек бўлди... Телевидениедан япон тилида олиб борилаётган шарҳ элас-элас қулоққа чалиниб турарди. Қани эди, шарҳловчимиз гапирмаса-ю тушунмасам ҳам ўша овозни эшитсам. Сабаби, чет тилида берилаётган овоздаги ҳаяжон ўйиннинг руҳига, мухлислар ҳаяжонига монанд эди.

Кейинги куни ҳамкасбларимиз ҳам худди шу фикрни айтди:

— Ажойиб ўйин. Фақат, анови шарҳловчи жим турсаям майли эди. Қайтага тумтароқ сўзлари билан асабга тегди, — деди.

Шундан бери шарҳловчиларимизнинг фаолиятини кузатаман. Мана уларнинг жумлалари:

— Ҳужумчи тўпни боши билан тепиб дарвозага киритди. (Қойил!)

— Тўп майдонни тарк этди (Жаҳли чиқиб майдонни ташлаб чиқиб кетди!)

— Фалон рақамли ўйинчи огоҳлантириш олишга муваффақ бўлди. (Яшасин).

Бундай «Бир қайнови ичида» гапларни шарҳловчининг тажрибасизлиги, микрофон олдидаги ҳаяжони билан изоҳлаш ва кечириш мумкиндир. Бироқ, ҳаяжон, тўлқинланиш овоздан сезилиб турмоғи, тингловчи — мухлисга таъсир этиб уни-да ҳаяжонга солмоғи керак. Шарҳлашнинг маълум услублари бор. Тўп майдон марказида бўлса овозда хотиржамлик зоҳир бўлади. Тўп дарвозага яқинлашган сайин овоз ўзгаради, нутқ ҳам тезлашади. Ва ниҳоят тўп дарвозага тепилиб, хавфли вазият бўлса ҳис-ҳаяжон юқори нуқтага етади. Ҳужум муваффақиятли якунланса, ҳаяжон бир сўзда мужассам бўлади: Го-ол! Тўп дарвоза тўрида!

Баъзан тўп дарвозага киритилади-ю шарҳловчиларимиз изоҳга кечикадилар. Го-ол деб қичқиргин, инсон боласи, дейман бу ёқда туриб.

— Машҳур шарҳловчи Николай Озеров ё Кота Махорадзе кўчадаги болаларнинг ўйинини шарҳласа ҳам мириқиб эшитган ва томоша қилган бўлардим, — дейди мухлислардан бири.

Николай Озеров телевидениеда берилган бир суҳбатда Жанубий Америка шарҳловчиларини ҳавас билан тилга олган эди. Озеровдай шарҳловчи ҳам хорижлик ҳамкасбларининг иш тажрибасини кузатиб, улардан ўрганар экан.

Ният шулки, ўзбек футболининг шарҳловчилари ҳам маҳоратларини ошириб борсалар. Бу хусусда мутасаддилар ҳам ўйлаб кўришар. Балки, шарҳловчилик учун махсус танлов ўтказиш зарурдир?

Нима бўлганда ҳам маҳоратли сўз санъаткорлари — шарҳловчилар бўлса қани эди!

Абдураҳмон ЖЎРА.

Миср янгиликлари

ЙИРИК ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН

12 ноябрда Қоҳирада йирик иқтисодий анжуман бўлиб ўтади. Унинг ишида 85 давлат ва 25 халқаро нуфузли ташкилот вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Жаҳон иқтисодий доиралари бу олий иқтисодий анжуманнинг Қоҳирада ўтишини қўллаб-қувватламоқдалар. Анжуман чоғида жами 16 миллиард доллар сармоя талаб қиладиган 52 та Миср лойиҳаси тақдим этилади.

АТОМ — ТАДҚИҚОТЛАР ХИЗМАТИДА

Миср ўзининг илмий-тадқиқот атом реакторига эга бўлади. Мамлакат энергетика вазири Моҳир Абазанинг хабар қилишича, келаси йил июнь ойларига бориб илмий тадқиқотлар ўтказиш учун ишлатиладиган атом реакторини ўрнатиш ишлари ўз ниҳоясига етади. 300 миллион жунайҳга тушаётган бу реакторнинг қуввати 22 мегаватт бўлиб, у тиббиёт қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида қўлланиладиган материалларни синаш ва радиоактив изотоплар яратиш каби мақсадларга қўлланилади.

ДОРИ-ДАРМОНСИЗ МУОЛАЖА

Бирор дори-дармонсиз ўз дардингиздан фориғ бўлишни истайсизми? Унда Мисрга марҳамат!

Ревматоид ёки ревматизм дардига мубтало бўлган беморлар Асвонда икки ҳафта бўлиб қайтсалар, бас. Исориаз дардига чалинганлар ўн кун Сафага қумларига тушиб, сўнгра қуёш остида тоблансалар, аллергия ва сурункали ёки бўғинлари шамоллаган беморлар мазкур воҳадаги иссиқ сувларда беш марта чўмилишса, ўз дард ва хасталикларидан қутулади. Бу тўқима гаплар эмас, балки чин ҳақиқатдир. У дунёнинг турли бурчакларидаги жуда кўп мутахассислар томонидан эътироф этилган. Тажрибада юзлаб, ҳатто минглаб ҳолатлар бўлганки, унда беморлар Мисрнинг қуми, қуёши ва сувларидан нажот топганлар.

Болалик боғи

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Эртак

Дастурхонда ўзини кўз-кўз қилиб турган Шакар бирдан ёнидаги Тузни кўриб қолибди:

— Ия, сен кимсан? — дебди ажабланиб.

— Мен — Тузман.

— Буни қара, кўринишинг ҳам бизга ўхшиб кетади-я, оппоққина экансан, — дебди кесатиб Шакар.

— Балки биз узоқ қариндошдирмиз? — дебди Туз унга жавобан.

Шакарнинг капалаги учиб кетибди.

— Ҳой, нималар деб валдираяпсан ўзи? Нега энди биз қариндош бўлар эканмиз? Ҳай-ҳай, иккинчи бу гапни айта кўрма.

— Шакаржон, ҳа намунча, мен сенга нима ёмонлик қилдим?

— Шошма-шошма, сен ўзи бу ерга қандай келиб қолдинг? Ҳайронман, сенинг жойинг ошхонада-ку! — дебди Шакар унинг гапини ҳам эшитмай.

— Вой, бу ерда турсам нима бўпди? — дебди ийманиб Туз.

— Нима бўпти, нима бўпти? Биласанми, сен нуқул бизнинг номимизга доғ туширганинг-туширган.

— Вой, нега?

— Ўзингни гўлликка солмай қўя қол. Сени шакар деб, билмай оғизга солган одамнинг холига вой. Сен шундай дарди бедавосан. Ким ҳам сендан баҳра оларди? Кўринишинг оқ бўлгани билан ичинг қора.

Шакарнинг бу гапларидан Туз ҳафа бўлибдию лекин индамабди. Шакар ҳамон баланд келиб, вайсашини қўймабди.

— Хўш, дунёда менга тенг келадиган борми? Йўқ, албатта. Дунёда энг ширин нарса ўзимман.

— Тўғри, сиз энг ширинсиз, — дебди Туз паст келиб.

— Бўлмасам-чи? — мамнун илжайибди Шакар. — Ҳамма мени севади. Мен, айниқса, болаларнинг жони-дилиман. Ёзда олча, ўриклар пишиши билан қайнатиб олишади. Хўш, мурабболарни ширин қиладиган ким? Мен... Қиш бўйи мени мақтаб-мақтаб ейишади. Айтмоқчи, печенье, пирогларчи? Менсиз бўларканми? Ҳаммасини асал қилиб юбораман. Ҳамма нарсага мен керакман. Ҳамма мени қадрлайди. Шунинг учун ҳам менинг жойим дастурхонда-да! Хўш, сенинг қандай кароматинг бор?

— Биз сизчалик эмасмиз, албатта. Лекин уй-рўзғорга жуда керакмиз.

— Хи-хи... — кулиб юборибди Шакар. — Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Бир хола эрталаб компот қайнатаётган экан. Билмай, қозонга бир коса туз солиб юборибди. Мен халтада бекиниб тургандимда! Кейин нима бўлибди, дерсан. Қошиқда сувдан тотиб кўрган холанинг афти қоқидай бужмайиб кетди. Қарғай-қарғай, тўкиб ташлади. Мен кула-кула ўлай, дебман.

Шу пайт косаларда овқат келиб қолибди. Овқатни ичиб кўрган меҳмонлардан бири:

— Овқатнинг таъми йўқроқ. Туз кам солинибди, — дебди.

— Қани, тузни олинг.

— Туз бўлмаса овқат овқатми?

— Туз хўп ажойиб нарса-да!

— Оламдаги ҳамма масаллиғни солинг, лекин тузсиз овқат бир тийин!

Ҳамма тузни мақтай кетибди. Мана, болалар, эртак ҳам тугади. Хулоса шуки, ҳаётда ҳар кимнинг ҳам ўз ўрни бор. Бировнинг ўрнини биров асло боса олмайди.

Рауф ТОЛИБ,
Авлоний мукофоти соҳиби.

Маҳаллалараро Тошкент шаҳар спартакиадаси

ШОҲСУПА ТЎРИДА — ЧИЛОНЗОРЛИКЛАР

Мирзо Улуғбек боғида бўлиб ўтган анъанавий шаҳар маҳаллалараро спартакиадасининг финал босқичи катта соғломлаштириш тадбирига айланди.

Эрталабданоқ ранг-баранг алвонлар билан безатилган боғда карнай-сурнай ва ноғораларнинг садоси янграб, одамларни қизиқарли беллашувларга чорлади. Бу ерда спартакиада дастуридаги тўққизта спорт турининг бештаси бўйича якуний мусобақалар ўтказилди. Қолган беллашувлар, яъни миллий курашнинг фарғонача ва бухороча турлари бўйича баҳс республика жисмоний тарбия институти залида, қўлкураш — армреслинг мусобақаси ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида, кичик футбол ўйинлари эса «Тўқимачи» стадионида ўтказилди. Маълумки, маҳаллалараро шаҳар спартакиадаси йил бошидан бошланиб, уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда аввало маҳалла гузарлари, чойхоналар ва алоҳида кўчаларда шахмат-шашка, кураш, футбол, волейбол, арқон тортиш ва ҳоказо спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб, кейинги босқичда қатнашувчи вакиллар аниқланди. Иккинчи босқич — туман миқёсидаги мусобақаларда эса ғолиб маҳалла жамоаси шаҳар спартакиадасининг финал ўйинларига йўлланма олади. Спартакиада дастурига армреслинг, тош кўтариш, соғломлаштириш пойгаси, шахмат-шашка, бухороча ва фарғонача усулдаги миллий кураш, арқон тортиш ва кичик футбол каби тўққиз хил спорт тури бўйича беллашувлар киритилган. Айнан ушбу спорт турлари танланганлигининг сабаби шуки, улар барча севиб ўйнайдиган, энг оммавий, мусобақалар ўтказилганда махсус ва катта жой, кўп маблағ талаб қилмайдиган спорт турлари ҳисобланади. Шу сабабли финал босқичи ҳам махсус ўйингоҳларда эмас, балки аҳоли ҳордиқ чиқарадиган боғлар, бевосита маҳаллаларга яқин масканларда уюштирилади.

Бир неча йилдан бери анъанага айланган маҳаллалар спартакиадасида шайхонтоҳурликлар Аҳмад полвон авлоди эканликларини муносиб исботлаб, кетма-кет 3 йил умумжамоа ҳисобидаги ғолибликни сақлаб келган эдилар. Ниҳоят, бу йилги қизғин курашлар натижасида ташаббус чилонзорликлар томонига ўтди. Туман вакиллари ўйинлар дастуридаги 9 хил спорт мусобақасининг еттитасида мутлоқ ғолиб бўлиб, пешқадамликни қўлга киритдилар. Айниқса, армреслинг ва тош кўтариш бўйича баҳсларда чилонзорлик паҳлавонларга тенг кела олувчи рақиблар топилмади. Деярли ҳар йилги «анъанага» кўра, бу гал ҳам Чилонзор туманидаги «Хирмонтепа» маҳалласининг «Атлет» клуби (рахбари — пауэр-лифтнинг бўйича кўп марта собиқ Иттифоқ ва республика чемпиони Камоллиддин Паноҳовнинг) аъзолари алоҳида маҳорат ва устунликларини намойиш этдилар. Шахсий ҳисобда Чилонзор тумани вакилларидан Д. Юсупов, Г. Никитин, Л. Абдураҳмонова, Шайхонтоҳур туманидан П. Шмуратова, А. Ларинлар энг юқори натижаларга эришдилар.

«Тўқимачи» стадионида бўлиб ўтган кичик футбол босқларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу йилги финал ўйинларига деярли бир хил кўрсаткичларга эришган 8 та жамоанинг беллашганлиги ҳам ўйинларнинг шиддатли ўтганлигини кўрсатади. Айниқса, ғолиблик ва 3-4 ўринлар учун бўлган ўйинлар маҳалладош-мухлисларнинг эсида узоқ сақланса ажаб эмас. Финал баҳсида Миробод ва Юнусобод жамоаларининг ўйини тенг натижа билан якунланиб, сўнгра пенальти белгиланди. Биринчи ўрин мироболдиклларга, қолган поғоналар эса мос равишда Юнусобод, Сергели ва Шайхонтоҳур туманларининг жамоаларига насиб этди.

Арқон тортиш бўйича мусобақалар энг қизиқарли бўлиб, мухлисларнинг қизғин олқишлари остида давом этди. Ушбу тур бўйича баҳсларга ҳар бир тумандан энг сараланган паҳлавонлар келишгани маълум бўлди. Иккала томондан беҳад улкан куч билан тортилган, йўғонлиги билакдек арқонлар, айтиш мумкинки, узилиш даражасига етди, аммо анча пайтгача ҳеч қайси томонга «оғиб» кетмади. Шунинг учун жамоалар қайта-қайта куч синашларига тўғри келди. Бу баҳсда Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларининг паҳлавонлари шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини банд этдилар.

Миллий курашнинг иккала тури бўйича полвонлар жисмоний тарбия институтининг спорт залида ғиламга тушдилар. Шуни айтиш керакки, миллий кураш республикамизда оммавийлик жиҳатидан энг биринчи ўринда туради, ушбу спорт турлари билан тахминан бир миллиондан кўпроқ киши шуғулланади. Албатта, бу ҳисобга маҳаллалардаги кўплаб ҳаваскор ёшлар, спортчи, талаба ва ҳарбийлар, ҳатто гоҳида ёшликларини қўмсаб, кураш тушиб турувчи кексалар ҳам киритилган. Маҳаллалар биринчилигига ҳар қайси кураш туридан бештадан жамоа қатнашди. Уз вазн тоифалари бўйича қуйидаги полвонлар ғолиб чиқдилар: фарғонача миллий кураш — А. Хўжанов, И. Мирзақулов, У. Собиров, Б. Шокиров, бухороча миллий кураш — С. Мирзажонов, В. Попов, Б. Қурбонов, Т. Бўронов, умумжамоа ҳисобида фарғонача курашдан — Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, бухороча курашдан эса Акмал Икромов, Миробод ва Чилонзор туманларининг жамоалари мос равишда фахрий шоҳсупадан ўрин олдилар.

— Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу йилги спартакиада юқори даражадаги ташкилий савияда ўтди, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Суҳбат Пўлатов.

— Қўмитамиз билан яқиндан ҳамкорлик қилган Мирзо Улуғбек боғи, «Тўқимачи» стадиони, ирригация ва жисмоний тарбия институтларининг раҳбариятига миннатдорчилик билдирамиз. Чилонзор тумани спорт ишлари бўйича қўмитаси (раиси — Валерий Мураткин), умуман маҳалла спартакиадасида фаол қатнашган барча чилонзорликларга раҳмат, улар барча тур бўйича тўлиқ таркибдаги жамоалар билан қатнашдилар. Чилонзор туманидаги «Хирмонтепа» ва Шайхонтоҳур туманининг «Оқлон» маҳалласида спорт ишлари бўйича шаҳарда энг яхши деб топилди. Аммо баъзи туманларнинг иштироки ҳақида бундай илиқ фикр айтиш қийин. Масалан, Юнусобод тумани спорт бўлими спартакиадаси жуда суст, ўз имкониятларидан анча паст даражада қатнашди. Ҳолбуки, ўтган йили ушбу туман вакиллари кўпгина совринли ўринларни қўлга киритган эдилар. Ҳамза ва Бектемир туманларидан бирорта ҳам вакил келмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Хуллас, маҳаллаларо спартакиадани чинакам «халқ ўйинлари олимпиадаси»га айлантиришимиз учун ҳали кўп умумий саъй-ҳаракатларимиз зарур. Ушбу спартакиада эса шубҳасиз, бу йўлдаги муҳим босқич бўлиб қолади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: «Соғломлаштириш пойгаси» старт олмоқда.

Рашид Галиев олган сурат.

ҚОЗОҚЧА КУРАШ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг спорт мажмуида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган қозоқча кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Бу беллашувни республикамизда фаолият кўрсатаётган қозоқ маданият маркази Тошкент давлат физкультура ва жисмоний тарбия институти ҳамда вилоят спорт қўмитаси билан ташкил этди.

Мусобақада республикамиз вилоятлари ва Қозоғистондан ташриф буюрган полвонлар ўзаро куч синашишди.

Қозоқ полвонларини бутун дунёга танитган машҳур полвон Ҳожимуқон бобонинг кенжа ўғли Жонабил Ҳожимуқонов ҳам мусобақада иштирок этди.

Илк танловлар ҳар хил вазн категориялари бўйича бўлиб, унда Оқсоқолов (Қозоғистон), Рустамов, Қосимов, Имомов, Сатторов, Бойназаров, Холиёров, Тўраев, Аширматов, Амиркулов, Тожиев, Эргашев, Маҳаматов, Қаршибоев, Сайфутдинов, Рўзиев (Ўзбекистон)лар, Бойжигитов, Мусиров, Асилбеков, Рисқиев, Аязбоев, Ауелбеков (Қозоғистон)лар ғолиб деб топилди.

Финал беллашувлари натижасида 52-57 килограмм вазнда 1-ўринни Бойназаров, 2-ўринни Тожиев, 57-62 килограмм вазнда 1-ўринни Рисқиев, 2-ўринни Аязбоев (Қозоғистон), 62-70 килограмм вазнда 1-ўринни Валиев, 2-ўринни Оқсоқолов (Қозоғистон), 70-78 килограмм вазнда 1-ўринни Аширматов, 2-ўринни Ауелбеков (Қозоғистон), 78-87 килограмм вазнда 1-ўринни Рустамов, 2-ўринни Холиёров, 87-97 килограмм вазнда 1-ўринни Тўраев, 2-ўринни Мусиров (Қозоғистон) эгаллашга муваффақ бўлдилар.

— Қозоқча кураш бўйича мазкур мусобақа Марказий Осиё давлатлари ўртасида, яъни халқаро миқёсда биринчи марта ўтказилмоқда, — деди тадбир ташаббускори, қозоқ маданий маркази раиси Турсумат Холбоев. — Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу тадбир келгусида анъанага айланиши, кенг тус олишига катта умид боғламоқдамиз. Бу спорт тури ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстликни, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мусобақага ҳомийлик қилган Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалиги (раиси Қоли Абубакиров), пискентлик фермер Фахриддин Рустамбеков, Зангиота туманидаги «Тўқимачи» жамоа хўжалиги (раиси Алишер Ғаффоров), Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманлари ҳокимликлари, халқаро жамғармани шакллантириш қўмитаси (раиси Хайрулло Шоназаров) ва бошқалар полвонларга қимматбаҳо совғаларини тақдим этдилар.

Учрашувнинг бош совринини Ўзбекистон қозоқ маданий маркази топширди.

Шу куни Жонабил Ҳожимуқонов мусобақа қатнашчиларига «Қозоқча кураш» деб номланган китобча тарқатиб, навбатдаги мусобақа жорий йилнинг ноябрь охирларида Чимкент шаҳрида ўтказилишини маълум қилди. Бу мусобақа полвонлар устози Ҳожимуқон бобонинг 125 йиллигига бағишланганини маълум қилди.

Латиф ЗАМОН,
Мурод БЕКЕЙЎҒЛИ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳрида яшовчи 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган фуқароларни Жанубий Кореяда контракт асосида 2 йил муддатга ишлашга таклиф этади. Эркаклар учун мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари лозим.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз:
Ҳ. Олимжон майдони, 13-а.
Телефон:
36-00-25, 36-76-57

«Ўзбек тилида иш юритиш» ўқув-услубий, илмий-амалий маркази Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ҳисобидан Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази тасарруфига ўтди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ва касаба уюшмаси шартномалар бўлими бошлиги Анвар Абдуллаевич Набиевга онаси
Одина НАБИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0568. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5,443 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.